

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКСУДОВА ҲИЛОЛА ФЕРДИНАНТОВНА**

**ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ**  
**ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ЛАЁҚАТЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК:378.091.3:811.111

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Максудова Хилола Фердинантовна**

Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг  
касбий лаёқатларини ривожлантириш.....3

**Максудова Хилола Фердинантовна**

Развитие профессиональной компетентности студентов фармацевтического  
направления в процессе обучения английскому языку .....25

**Maksudova Khilola Ferdinandovna**

Developing Professional Competence of Pharmaceutical Students in the Process of  
Teaching English.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКСУДОВА ҲИЛОЛА ФЕРДИНАНТОВНА**

**ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ**  
**ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ЛАЁҚАТЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.Phd/Ped244 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухитдинова Хадича Собировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Тўхтасинов Илҳомжон Мадаминович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Жўраев Абдуназар Хатамназарович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети** хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил 10 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92 e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))

Диссертация билан **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21А уй. тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил 10 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «10» сентябрь даги 10 рақамли респстр баённомаси).



**Г. Х. Бакиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Х. Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**Л. Т. Ахмедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги глобал ахборот асрида илм-фан ва ишлаб чиқаришда интеграциялашув жараёнининг жадал ривожланиши турли соҳа вакилларининг чет тилида касбий мулоқот юритишларига талаб ва эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида чет тилларни махсус мақсадларда йўналтириб ўқитиш, мутахассисларнинг чет тилидаги касбий-соҳавий коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш масалаларига, хусусан, соҳавий йўналишларда мутахассисларнинг чет тилида касбий лаёқатларини ривожлантиришга алоҳида катта эътибор қаратилмоқда.

Дунё миқёсида тил тажрибасини касбий компетентлик интеграцияси асосида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро Фармацевтика Кенгаши (Federation Internationale Pharmaceutique) томонидан ишлаб чиқилган мутахассисларга қўйилган талаблар (Competence Standards for the Pharmacy Profession) асосида белгиланган вазифаларда фармацевтларнинг чет тилларда касбий мулоқот юритиш компетенцияларини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишларини кучайтириш кўрсатиб ўтилган. Британия Кенгашининг нофилологик олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш борасида олиб борилаётган EMI (English as a Medium of Instruction) ва STEM (Science, Technology, Engineering, Math) лойиҳаларидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва шу йўналишда илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Республикамызда кейинги йилларда ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-услубий материаллар ва назарий машгулотларни янада оптималлаштириш, уларни тиббиёт фани амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Фармацевтика тармогини жадал ривожлантириш, етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш»<sup>1</sup> фармацевтларнинг чет тилида, хусусан, инглиз тилида билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, уларнинг соҳага оид маълумотларни аслиятда ўқиш, доришуносликка оид терминларни чуқур ўзлаштириш ва касбий соҳадаги янгиликлардан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармогини яна жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сонли Фармони. Электрон ресурс: <https://lex.uz/ru/docs/4280358>

10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги ВМҚ-993-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада чет тилларни ўқитиш масалалари: Г.Х. Бакиева, М.Д. Джусупов, Ж.Ж. Жалолов, Л.Т. Аҳмедова, М.Т. Ирискулов, Г.Т. Маҳкамова, Д.У. Ҳошимова, И.М. Тўхтасиновлар<sup>2</sup>; нофилологик йўналишларда тилларни ўқитиш муаммолари С.К. Байматова, Т.К. Саттаров, Ю.Л. Акрамова, Г.Н. Ирмухамедова, Х.Т. Мустафаева, Г.А. Асилова, М.А. Бердиева, Б.Р. Саматова ва Н.Ҳ. Кушиевалар томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Бакиева Г.Х., Башатова Н.А. Использование современных методов контроля знаний языка для повышения мотивации учебной деятельности студентов. Проблемы многоуревневой подготовки медицинских специалистов и современные методы контроля знаний студентов. – Т., 1993. – С. 63-65; Джусупов М.Д. Обучение русскому произношению студентов-казахов при изучении курса фонетики современного русского языка. Дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 1983. – 162 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.; Аҳмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов). Дисс. ... докт. пед. наук. – Т., 2012. – 298 с.; Ирискулов М.Т. ESP тил кўникмаларини ривожлантириш усуллари // Филология масалалари илмий-методик журнал, 2017. № 4. – Б. 144-148; Makhkamova G.T., Alimov Sh. S., Ziyayev A.I. Innovative pedagogical technologies in the English Language Teaching. – Т., 2017. – 232 p.; Ҳошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межязыкового взаимодействия. Дисс. ... докт. пед. наук. – Т., 2007. – 209 с.; Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш. Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 23 б.

<sup>3</sup> Байматова С.К. Развитие коммуникативной компетенции в учебно-профессиональной сфере общения студентов-медиков при изучение терминов. – Т., 1993. – 48 с.; Саттаров Т.К. Мутахассислик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимнинг касбий-услугий малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида). Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2000. – 329 с.; Акрамова Ю.Л. Обучение письменной речи на базе научного текста по специальности в группах одаренных студентов медицинских вузов Узбекистана. Дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 2001. – 162 с.; Мустафаева Х.Т. Инглиз тили грамматикасини ижтимоий-гуманитар факультетлар талабаларига ўргатишнинг лингвометодик хусусиятлари. Пед. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2003. – 140 б.; Ирмухамедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения

Россияда мутахассисларнинг чет тилида касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантириш муаммолари Е.И. Пассов, Т.С. Макарова, А.К. Крупченко, О.Ю. Искандаровалар, фармацевтика йўналишида чет тилларни ўқитиш масалалари Н.Л. Августинович, К.В. Маркарянлар томонидан ўрганилган<sup>4</sup>.

Хорижий мамлакатларда инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитиш тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари билан Т. Hutchinson, А. Waters, Т. Dudley-Evans, М. St John каби етук олимлар шуғулланганлар<sup>5</sup>.

Бироқ айнан фармацевт-талабаларга чет тилларни ўқитиш жараёнида уларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш бўйича чет мамлакатларда санокли тадқиқотлар олиб борилган, республикамизда эса хали илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Чет тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

нофилологик таълим йўналишларида махсус мақсадларга йўналтирилган соҳавий чет тилини ўқитишнинг касбий лингводидактик асосларини ўрганиш;

---

критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических вузов). Дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 2008. – 157 с.; Асилова Г.А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юриштиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларда). Пед. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Т., 2017. – 291 б; Бердиева М.А. Формирование профессиональной компетенции студентов-юристов средствами русского языка (на материале устной речи). Дисс. ... канд. пед. наук., 2009. – 168 с., Саматова Б.Р. Инглиз тилини ўқитишда нофилологик йўналиш талабаларининг мотивацияси (юристрепденция йўналиши мисолида). Пед. фан.фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Т., 2019. – 154 б.; Кушиева Н.Х. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари. Пед. фан.фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Т., 2020. – 123 б.

<sup>4</sup> Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – М.: Просвещение, 1989. – С. 6-8; Макарова Т.С. Оптимизация процесса обучения иноязычному профессионально-ориентированному общению специалистов-нефилологов системе дополнительного образования. Дисс. ... канд. пед. наук. – Волгоград, 2003. – 240 с.; Крупченко А.К. Становление профессиональной лингводидактики как теоретико-методологическая проблема в профессиональном образовании. Дисс. ... докт пед. наук. – М., 2007. – 460 с., Искандарова О.Ю. Теория и практика формирования иноязычной профессиональной коммуникативной компетентности специалиста. Дисс...докт. пед. наук. – Оренбург, 2008. – 376 с.; Августинович Н.Л. Обучение чтению и переводу текстов по специальности на I-II курсах фармацевтического вуза: на материале английского языка. Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1977. – 205 с.; Маркарян К. В. Обучение иноязычному прагматическому общению студентов неязыкового вуза (английский язык, фармацевтический вуз) Дисс...канд.пед.наук.–Пятигорск,2007. – 183 с.

<sup>5</sup> Hutchinson T.and Waters A. English for specific purposes: a learning-centered Approach, Cambridge university press. Cambridge, 1987. – 183 p.; Dudley-Evans T., John M. Developments in English for specific purposes A multi-disciplinary approach / Cambridge University Press, 1998. – 298 p.

фармация ва саноат фармацияси факультетларида инглиз тилининг ўқитилиши ҳолати ва ўқув-услубий таъминоти мазмунини бўлгуси врач-провизорларнинг касбий лаёқатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, муаммолар ва мавжуд имкониятларни аниқлаш;

фармацевтика йўналишида инглиз тилини фармация ва саноат фармацияси соҳалари интеграцияси асосида ўқитишда талабаларнинг касбий коммуникатив лаёқатларини ривожлантириш ёндашувлари ва тамойилларини аниқлаш;

фармацевтика йўналишида талабаларнинг инглиз тилидаги касбий коммуникатив лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган самарали воситалар, машқ ва топшириқлар тизими юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги касбий лаёқатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дидактик таъминотини тажриба-синовдан ўтказиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш жараёни танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фармацевтика йўналишининг 1-2-босқич талабаларига инглиз тилини ўқитишда касбий лаёқатларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий, таснифий, чоғиштирма таҳлил), диагностик (кузатиш, анкета сўровлари, назорат), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор фармацевтика йўналишида касбга йўналтирилган инглиз тилини тўрт босқичли тизимда умумкасбий (EGPP), умумакадеми (EGAP), махсус касбий (ESPP), махсус академик (ESAP) йўналишларда ўқитишда компетенциявий ва соҳавий ёндашув мезонлари асосида талабаларнинг ўқув-когнитив кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дидактик таъминот ишлаб чиқилган ва фармацевтика йўналишида кредит-модуль таълим тизими тамойиллари асосида «Тиббиётда хорижий тил» модулини ўқитишнинг муқобил усули сифатида таклиф этилган;

бўлажак фармацевтларнинг касбий лаёқат хусусиятларини ривожлантирувчи амалий (билим, малака, кўникма), аксиологик (касбга шахсий йўналганлик), ҳиссий (ўз-ўзини бошқариш), аутокомпетенция (технологиялардан фойдалана олиш), махсус компетенция (касбий вазифаларни еча олиш) компонентлари касбий-коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда бирламчи омил эканлиги фармацевтларнинг хорижий тилларга ташқи ва ички эҳтиёжларига қаратилган лингводидактик таъминотни оптималлаштириш орқали исботланган;



фармацевтика йўналишида инглиз тилини фармация ва саноат фармацияси соҳасига оид «Дори турлари технологияси», «Лотин тили», «Фармакогнозия» касбий фанлари билан мазмуний узвийлик асосида ўқитиш модели талабалар касбий-коммуникатив компетенциясининг ассоциатив англаш компонентини соҳавий ёндашувнинг эркин экспозицион усулига татбиқ этиш орқали такомиллаштирилган;

фармацевт-талабаларнинг касбий эҳтиёжлари асосида инглиз тилида дори аннотацияларини тузиш, рецептлар ва ёрликлардаги кўрсатмаларни таржима қилишга ўқитишда рецепиентга прагматик таъсир ўтказишнинг самарали механизми сифатида транслитерация усулининг устуворлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

фармацевтика йўналишида инглиз тилини умумкасбий ва умумакадема мақсадларда ўқитишнинг методик таъминоти асосида фармация ва саноат фармацияси факультетларининг йўналишлари 1-босқичи учун «Тиббиётда хорижий тил» модули ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаси яратилган;

фармацевтика йўналишида инглиз тилини махсус касбий ва махсус академа мақсадларда ўқитишнинг методик таъминоти асосида фармация ва саноат фармацияси факультетлари йўналишлари 2-босқичи учун «Хорижий тил» ишчи ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган;

фармацевтика йўналиши 1- ва 2-босқич талабалари учун коммуникатив, соҳага йўналтирилган ёндашувлар асосида «English for pharmacists Module 1» ўқув кўлланимаси яратилган;

дори воситалари аннотацияларини инглиз тилида тузиш ва инглиз тилидан таржима қилишга қаратилган машқ ва топшириқлар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган илмий таҳлиллар ва ишлаб чиқилган технологиялар тажриба-синов жараёнида апробациядан ўтказилганлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг кўрсаткичлари статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишнинг умумий ва махсус турларининг лингводидактик типологияси назарий асосланганлиги, фармацевтика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг чет тилидаги касбий лаёқатларини ривожлантиришда инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишнинг 4 йўналишли тизими аниқлаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фармацевтика йўналиши учун ишлаб чиқилган инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишнинг

4 йўналишли тизими 1- ва 2-боскичлар ўқув жараёнига татбиқ этилганлиги, фармацевтика ва тиббиёт йўналишларидаги олий таълим муассасалари 1- ва 2- боскичлари учун инглиз тилидан талабаларнинг касбий-коммуникатив компетентциясини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар асосида:

илк бор фармацевтика йўналишида касбга йўналтирилган инглиз тилини тўрт боскичли тизимда умумкасбий (EGPP), умумакадем (EGAP), махсус касбий (ESPP), махсус академ (ESAP) йўналишларда ўқитишда компетенциявий ва соҳавий ёндашув мезонлари асосида ишлаб чиқилган талабаларнинг ўқув-когнитив кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик таъминотидан фармацевтика йўналиши талабалари учун «English for pharmacists Module 1 Social and professional interaction» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-119-сон гувоҳномаси). Мазкур ўқув қўлланма фармацевтика йўналиши 1- ва 2-боскич талабаларининг инглиз тили машгулотларида касбий коммуникатив лаёқатларини ривожлантиришга хизмат қилган;

бўлажак фармацевтларнинг касбий лаёқат хусусиятларини ривожлантирувчи амалий (билим, малака, кўникма), аксиологик (касбга шахсий йўналганлик), хиссий (ўз-ўзини бошқариш), аутокомпетенция (технологиялардан фойдалана олиш), махсус компетенция (касбий вазифаларни еча олиш) компонентлари уларнинг хорижий тилларда коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга оид хулосаларидан Британия Кенгашининг «EnSPIRE-U» лойиҳасида нофилологик йўналишлар учун махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш «ESP Curriculum» намунавий дастурини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-5139-сон маълумотномаси). Мазкур намунавий дастур нофилологик йўналишидаги олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда амалиётга жорий қилинган, натижада нофилологик ОТМларининг инглиз тили фанидан ўқув дастурлари, ўқув-услугий материаллари такомиллаштирилган ва талабаларининг касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилган;

фармацевтика йўналишида инглиз тилини фармация ва саноат фармацияси соҳасига оид «Дори турлари технологияси», «Лотин тили», «Фармакогнозия» касбий фанлар билан мазмуний узвийлик асосида ўқитиш модели талабаларнинг касбий коммуникатив компетенциясининг ассоциатив англаш компонентини соҳавий ёндашувнинг эркин экспозицион усулига татбиқ этишга оид хулосалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари хузуридаги РИАИМ ва Британия Кенгаши ҳамкорлигидаги UzTESPING (Uzbekistan Teachers of ESP Integrated Networking Group) 10-11/39 рақамли нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитишни ислоҳ этиш

лойихасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-846-сон маълумотномаси). Натижада республиканинг фармацевтика йўналишидаги ОТМларда инглиз тилини ўқитиш бўйича UzTESPING амалий лойихасида ишлаб чиқилган «ESP discussion» мавзусидаги тренинг материаллари фармацевтика йўналишида инглиз тилини фанлараро алоқадорлик асосида ўқитишга оид назарий хулосалар билан бойитилган;

фармацевт-талабаларнинг касбий эҳтиёжлари асосида инглиз тилида дори аннотацияларини тузиш, рецептлар ва ёрликлардаги кўрсатмаларни таржима қилишга ўқитишда рецепиентга прагматик таъсир ўтказишга оид илмий хулосаларидан фармацевтика йўналиши талабалари учун «English for pharmacists Module 1 Social and professional interaction» ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-119-сон гувоҳномаси). Мазкур ўқув қўлланма фармацевтика йўналиши 1- ва 2-босқич талабаларининг инглиз тилида фармацевтик терминларни қўллаш, дори йўриқномалар ва рецептларни тузиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 номдаги илмий иш, жумладан, 1та ўқув қўлланма, 18 та тезис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 154 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республикамизда ва жаҳонда муаммонинг ўрганганлик даражаси ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот ишининг давлат дастурлари ва иш бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамият, апробацияси ва тадқиқот иши натижаларининг жорий қилиниши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Бўлғуси фармацевт мутахассисларнинг чет тилидаги касбий коммуникатив лаёқатларини ривожлантиришнинг лингводидактик асослари**» деб номланган биринчи бобида инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишнинг лингводидактик асослари, республикамизда

фармацевт-талабаларга инглиз тилини касбга йўналтириб ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва имкониятлар ёритилган.

Маълумки, чет тиллар таълимида филологик мақсадларда, яъни бўлгуси чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш йўналиши ҳамда нофилологик, яъни муайян мақсадларга ва касбларга йўналтириб ўқитиш фарқланади. Хусусан, фармацевтика соҳасида чет тилни маҳаллий дори воситаларини экспорт қилишда чет эл вакиллари билан мулоқот қилиш, айланма ҳужжатлар билан ишлаш, шартномалар тўлдириш, расмий хатлар ёзиш кабилар махсус касбий инглиз тилини ўрганишни, доришуносликдаги фармацевтика соҳасидаги илмий янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиш, янги дори турларини яратиш мақсадида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни, хорижий адабиётларни, журналларни ўқиб-ўрганиш зарурати эса инглиз тилини академ мақсадларда ўрганишни тақозо этади.

Кейинги йилларда таълим соҳасида «касбий лингводидактика», «касбий компетенция», «касбий лингводидактик компетенция» тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Касбий лингводидактика XX-XXI асрларда лингводидактиканинг чет тилларини касб ва соҳага боғлиқ ҳолда ўқитишнинг назарий ва методик эҳтиёжи туфайли юзага келган йўналиш бўлиб, унинг объекти – тилни касбий-соҳавий ўқитишнинг мазмуни, шакли, механизмини, предмети эса – соҳавий тилни ўрганувчи ва ўргатувчилар фаолиятини ўрганишдир. Касбий лингводидактикани тилни касбий-соҳавий ўқитишнинг назарий асослари, унинг методик, дидактик, лингвистик хусусиятларини ўрганувчи фан сифатида изоҳлаш мумкин. Бўлажак фармацевтларнинг касбий компетентлик хусусиятларини ривожлантирувчи амалий (билим, малака, кўникма), аксиологик (касбга шахсий йўналганлик), хиссий (ўз-ўзини бошқариш), аутокомпетенция (технологиялардан фойдалана олиш), махсус компетенция (касбий вазифаларни еча олиш) компонентлари уларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда бирламчи омиллардандир.

Нофилологик таълим йўналишида чет тилларни махсус мақсадларга йўналтириб ўқитиш илк бор 1983 йилда С. Савингтон томонидан таклиф этилган бўлиб, у инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш (English as a Second Language, ESL), инглиз тилини фан ва технология тили сифатида ўқитиш (English for Science and Technology, EST), инглиз тилини академ мақсадларда ўқитиш (English for Academic Purposes, EAP), инглиз тилини ишлаш мақсадида, яъни мулоқот юритиш учун иккинчи тил сифатида ўрганиш (Vocational English as a Second language, VESL)<sup>6</sup> йўналишларини илгари сурган. Т. Хатчинсон ва А. Уотерс эса 1994 йилда инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишни: таълим олиш учун инглиз тили (English for Academic Purposes, EAP), ҳамда ишлаш мақсадида инглиз тили (English for Professional Purposes, EOP / English for Vocational Purposes, EVP / Vocational

---

<sup>6</sup> Savington, S. J. Communicative competence: Theory and Classroom Practice. Massachusetts, etc. Addison – Wesley Publishing Company, 1983. – 300 p.

English as a Second Language, VESL)<sup>7</sup> йўналишларига ажратишни таклиф этадилар.

Х. Бастуркмен 2010 йилда академ ва соҳавий инглиз тилини ўқитиш турларини умумий ва махсус гуруҳларга ажратади<sup>8</sup>. Биз унинг қарашларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этган ҳолда нофилологик йўналишларда инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишни қуйидаги турларга ажратишни мақсадга мувофиқ деб топдик (1-жадвалга қаранг):

### 1-жадвал

#### Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш турлари

Инглиз тили академ мақсадларда (English for Academic purposes, EAP)		Инглиз тили касбий-соҳавий мақсадларда (English for Professional Purposes (EPP))	
Умуакадем мақсадларда инглиз тили English for General Academic Purposes (EGAP)	Махсус академ мақсадларда инглиз тили (English for Specific Academic Purposes, ESAP)	Умумкасбий мақсадларда инглиз тили (English for General Professional Purposes, EGPP)	Махсус касбий мақсадларда инглиз тили (English for Specific Professional Purposes, (ESPP))
Инглиз тилини билиш даражаси В1 дан юқори бўлмаган талабаларга махсус академ билимларни ўқишдан аввал бошлангич босқич сифатида ўқитиш; дастлабки умуакадем лексикани ва иншо, баёнларни ёзишга ўргатиш.	Муайян соҳа бўйича илмий соҳавий тер - минологияни ўргатиш, илмий адабиётларни ўқиш, таҳлил қила олиш, йўриқномалар ва ёрликларни тузиш, илмий мақола лар ёзиш ва илмий конференцияларда илмий маърузалар қила олишга ўргатиш каби мақсадларни ўз ичига олади.	Ижтимоий-маданий, прагматик компетенцияларини ривожлантириш, ижтимоий мулоқотда қўлланиладиган грамматика ва лексикани ўргатиш, расмий ва норасмий хатлар ёзиш, учрашув ва интервьюларда лексик бирликлардан тўғри фойдаланишга ўргатишни кўзда тутди.	Бевосита мутахассисликка оид махсус касбий-соҳавий инглиз тилига оид огзаки ва ёзма мулоқот қилишга ўргатиш.

Академ ва соҳавий инглиз тили ҳар бир соҳанинг чет тилига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турлича ўқитилиши мумкин. Иқтисодиёт соҳасида касбий фаолиятда махсус касбий инглиз тили кўпроқ қўлланса, тиббиёт ходимларининг эса махсус академ инглиз тилини ўрганишга эҳтиёжи катта. Фармацевтика йўналишида бўлгуси фармацевтлар орасида келажакда илмий тадқиқот билан шугулланувчи биотехнологлар, метрологлар инглиз тилининг илмий фармацевтик билимларни эгаллаш мақсадида ўргансалар, фармация йўналишидаги талабаларнинг эса касбий инглиз тилини тижорий мақсадларда ўрганишга ҳам эҳтиёжлари мавжуд.

Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўрганиш эҳтиёжларини аниқлаш бўлажак фармацевт-талабаларнинг чет тилидаги заиф томонларини ва уларни касбий-соҳавий ўқитишдаги қуйидаги муаммоларни аниқлаш имконини берди:

<sup>7</sup> Hutchinson T. and Waters A. English for specific purposes. Glasgow: Cambridge university press, 1994. – 183 p.

<sup>8</sup> Basturkmen H. Developing courses in english for specific purposes. University of Auckland, New Zealand, 2010. – 154 p.

ўқишга кирган аксарият абитуриентларнинг инглиз тилини билиш даражаси ўта пастлиги туфайли инглиз тилидан билимлари юқори бўлган талабалар билан алоҳида ишлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

фармацевтик мақсадлар ва эҳтиёжларга мос замонавий дарсликлар яратилмаганлиги;

амалдаги ўқув-услубий адабиётлар ва тарқатма материалларда умумий ва махсус мақсадларда ўқитиш вазифалари аниқ ажратилмаганлиги ва ҳ.з.

Булар албатта, чет тили ўқитувчисига муайян касбий соҳасга мос грамматика, лексика ва дискурсни танлашда қийинчиликларни юзага келтиради, шу боис кўпчилик нофилологик ОТМларда ўқитувчилар умумий чет тилини ўқитиш билан чекланмоқдалар. Ушбу ҳолатлар республикамизда чет тилларини махсус касбий мақсадларга йўналтириб ўқитиш масаласи муаммолигича қолаётганини кўрсатади.

Талабаларнинг фармацевтик касб амалиётида инглиз тилидан эгаллаган билим, малакаларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиб чиқиш инглиз тилини фармацевтик мақсадларда ўқитишда ички ва ташқи мақсадлар муҳим ўрин тутишини, уларни амалга ошириш учун қуйидаги эҳтиёжлар мавжудлигини аниқлаш имконини берди (1-расмга қаранг):



**1-расм. Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўрганишнинг мақсад ва эҳтиёжлари**

Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда амалда қўлланаётган ишчи ўқув дастур ва дарсликларни таҳлил қилиш инглиз тилини ўқитишда фармацевт-талабаларнинг ушбу касбий эҳтиёжлари тўлиқ инobatга олинмаганлиги, касбий мулоқотни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмаганини кўрсатди. Бу 900 га яқин респондентлардан олинган сўровномаларда ҳам ўз исботини топди. Талабалар ўртасида ўтказилган сўровномада фармацевтика йўналиши талабаларининг 75%и амалдаги ўқув қўлланмалар, дарсликлар соҳавий инглиз тилини ўқитишга мос эмаслигини қайд этганлар. 90% талабалар эса нутқ фаолиятида гапириш компетенциясини ривожлантиришни муҳим деб ҳисоблайдилар. Ўқитувчилардан олинган сўровномаларда 95% ўқитувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалар барча нутқ фаолияти турларини камраб олган ҳолда бўлиши ҳамда соҳавий инглиз тилини ўқитиш учун йўналтирилиши кераклигини таъкидлаган.

Фармацевтика йўналишидаги ОТМлар учун «Инглиз тили» дарсликлари тахлили аксарият нутқий мавзулар грамматик мавзулар билан боглиқ эмаслиги ва асосан, матнни таржима қилиш бўйича топшириқлар билан чекланганлигини кўрсатди. Жумладан, Тошкент фармацевтика институти ва Андижон давлат тиббиёт институтининг 2-босқич, 4-семестрида 2 академик соатга мўлжалланган «**Digitalis folium**» (*Ангишвона гул*) мавзуси бўйича матнни таржима қилиш ва гапириб бериш топшириқлари берилган. Шу мавзунини ўқишда ТФИда грамматикадан ҳозирги ва ўтган тугалланган замон феъли, АДТИда эса феълнинг инфинитив шаклини ўқитиш режалаштирилган. Бироқ мавзуда берилган «Ангишвона гул» матнида ушбу грамматик шаклларнинг бирортаси йўқ, матнда ҳозирги замон феъли ва феълнинг мажхул нисбат шакллари учрайди, холос. Бунинг устига «Ангишвона гул» ҳақида дарсликда берилган маълумот 20 йил аввалги бўлиб, талабалар инглиз тили ёрдамида бу доривор ўсимлик ҳақида бирор янги маълумот оладилар, деб ўйламаймиз. Ваҳоланки, фармацевтика саноатида сўнги ўн йил мобайнида дунё миқёсида янги кашфиётлар талайгина. Қайд этилган муаммо ва имкониятлар фармацевтларнинг касбий компетенцияси компонентларини (амалий, аксиологик, ҳиссий, ауто ва махсус компетенциялар) ривожлантиришда врач-провизорларнинг хорижий тилларга ички ва ташқи эҳтиёжларига қаратилган лингводидактик таъминотни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот ишининг «**Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг касбий коммуникатив лаёқатини ривожлантириш мазмуни ва воситалари**» деб номланган иккинчи бобида фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишнинг мавжуд имкониятлари аниқланди, бўлғуси фармацевт-талабаларнинг умумий ва касбий-соҳавий инглиз тилидаги мулоқот компетенцияларини ривожлантиришнинг 4 йўналишли тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



**2-расм. Фармацевтика йўналишида инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитиш босқичлари**



Маълумки, бакалавр йўналишининг дастлабки босқичида мутахассислик фанлари билан умумий танишиш, мутахассисликка кириш каби мавзулар ўтилади. Шундан келиб чиққан ҳолда чет тилини ўқитишда ҳам талабаларнинг умумий инглиз тилидаги билимларини ошириш билан бир қаторда уларнинг умумий ижтимоий-маданий компетенциясини, яъни инглиз тилида эркин мулоқот қилишга ўргатиш, гапириш ва тинглаб тушуниш компетенцияларини ривожлантириш кўзда тутилади. 2-семестрдан фармацевт-талабаларга умумакадемик инглиз тилини ўқитиш, фармацевтик терминлар билан таништириш, уларни қўллашни ўргатиш тавсия этилади. Иккинчи босқичда талабаларнинг инглиз тилини билиш даражаси биринчи босқичга қараганда ортганлиги сабабли учинчи – фармацевтларнинг махсус касбий мақсадларда инглиз тилини ўқитиш йўналиши фармацевтик иш фаолиятида қўлланиладиган лексикани ва касбий мулоқот юритишни ривожлантиришга қаратилади. Шунингдек, 2-босқичда талабаларга фармацевтика мутахассислигига оид махсус фанлар ўқитилиши сабабли талабалар фармацевтик атамалар, мутахассисликка оид мавзулар билан бевосита таништирила бошланади. Айнан шу босқичда аксарият талабалар дорихоналар, корхоналарда фармацевтик фаолиятни бошлайдилар ва инглиз тили машғулотларида ўтилган махсус фармацевтик мавзулар уларга амалий ёрдам беради. Тўртинчи йўналиш бўлғуси фармацевтларнинг инглиз тилида махсус илмий компетенцияларини ривожлантириш, инглиз тили ёрдамида мутахассислик билимларини ошириш, доришунос сифатида келажакда илмий изланишлар олиб боришга қаратилган.

Тадқиқот жараёнида фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилига ташқи ва ички эҳтиёжларини аниқлаш орқали 1- ва 2- босқичларда ўқитишни қамраб олган илмий, академик ва касбий чет тилини ўқитишнинг 4 та йўналишдан иборат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда фармацевтика йўналишининг бакалавр 1-босқичида умумкасбий ва умумакадемик инглиз тилини (English for General Professional Purposes, EGPP, English for General Academic Purposes, EGAP), 2-босқичда махсус касбий ва махсус академик инглиз тилини (English for Specific Professional Purposes, ESPP, English for Specific Academic Purposes, ESAP) босқичли кетма-кетликда ўқитишнинг таълим мазмунини белгилаб беришга хизмат қилди. Мазкур жараёнда ривожлантириладиган касбий коммуникатив компетенциялар қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган (2-жадвалга қarang):

## 2-жадвал

### Фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилида касбий лаёқатларини ривожлантириш мазмуни

Босқич	Йўналишлар	Ўқитиш мазмуни	Ривожлантириладиган компетенциялар
1-босқич	1-йўналиш Умумкасбий инглиз тили	Расмий ва норасмий мулоқотга оид лексика, фаол грамматик шакллар устида ишлаш.	Умумий инглиз тилидаги кўникмаларни ва умумкасбий оғзаки мулоқот компетенциясини ривожлантириш.



	<b>2-йўналиш</b> Умумакадем инглиз тили	Кимёвий элементлар, дори турларига оид лексика ва фаол грамматик шакллар устида ишлаш.	Умумий инглиз тилидаги кўникмалар ва умумакадем ёзув компетенцияларини ривожлан тириш.
<b>2-босқич</b>	<b>3-йўналиш</b> Махсус касбий инглиз тили	Фармацевтика иш жараёнига оид лексика ва фаол грамматик шакллар устида ишлаш.	Инглиз тилида фармацевтика фаолиятида, иш муҳитида қўлланиладиган махсус касбий компетенцияларни ривожлан тириш.
	<b>4-йўналиш</b> Махсус академ инглиз тили	Фармацевтик илмий наشرлар ва адабиётларга оид лексика ва фаол грамматик шакллар устида ишлаш.	Инглиз тилида фармацевтик махсус илмий, академ компетенцияларни ривожлан-тириш.

Фармация ва саноат фармацияси йўналишларида 1-босқичда мутахассислик фани сифатида «Лотин тили», «Фармацияга ва саноат фармациясига кириш» каби мутахассисликка кириш фанлари ўтилиши боис, 1-босқичда 1- ва 2-йўналишлар учун таклиф этилган “Chemical lab” лаборатория анжомларининг инглиз тилида ёзилиши ва ўқилишини, “People who I admire in the field of pharmacy”, “First experient” мавзуларида кимёвий элементларни инглиз тилида ёзиш ва ўқилишни лотин тилидаги терминлар билан таққослаб ўргатиш мақсадли бўлади.

2-босқич талабаларига 3- ва 4-йўналишларни ўқитишда инглиз тилидаги “Medicinal plant”, “Launching new medicine”, “Preparing tablet” мавзуларини ўтишда «Дори турлари технологиясининг назарий асослари», «Доривор ўсимликларнинг физиологияси ва биокимёси» фанлари билан фанлараро алоқадорликни ўрнатиш орқали инглиз тилида дори турлари ва уларнинг йўрикномаларини таржима қилиш ва мустақил туза олиш, доривор ўсимликлар ҳақида инглиз тилида маълумот беришга ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида чет тилини махсус мақсадларда ўқитиш орқали касбий коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг умумжаҳон микёсида фаол қўлланадиган ёндашувлари ва фармацевтика йўналишида улардан фойдаланиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Фармацевтика йўналишида ушбу ёндашувларни қўллашда аутентик материаллардан фойдаланиш, мутахассисликка оид терминлар билан ишлаш, иш жараёнида қўлланиладиган мулоқот воситалари орқали талабаларнинг инглиз тилидаги коммуникатив лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантиришга кенг шарт-шароитлар яратилади.

Коммуникатив ёндашув (**Communicative Approach**)ни фармацевтика йўналиши талабаларини ижтимоий-маданий, касбий мулоқот юритишга ўргатишда “Teaching by asking” (Brainstorming), “Information gathering”, “Role play”, “Road trip” воситаларидан, соҳага асосланган ёндашув (**Content-Based Approach**)да эса фармацевтика мутахассислигига оид матнлар ва терминларни ўргатиш, бунда “Key points”, “How does it work?”, “Turn text to

questions”, “Transformation”, “Headings” каби интерфаол усуллардан машқ ва топшириқларга асосланган ёндашув (**Task-Based Approach**)да касбий-соҳавий англиз тилини қўллашга ўргатиш ва бунда “Case study”, “Instructions to use”, “Problem solving”, “Sorting and Listing”, “Presenting oral report” педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадли бўлиши аниқланди. Тадқиқот ишимизда талабаларнинг англиз тилида касбий коммуникатив лаёқатларини ривожлантиришнинг қуйидаги 3 турдаги машқлардан фойдаланиш тавсия этилди (3-жадвалга қаранг):

### 3-жадвал

#### Фармацевтика йўналиши талабаларининг касбий-коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда қўлланиладиган машқлар турлари

Машқлар тури		Машқ ва топшириқлар мазмуни
Коммуникатив компетенцияларни шакллантирувчи машқлар	Лексик-грамматик машқлар	лексик бирликлар синонимларини жуфтлаш; матндаги расмларни лексик бирликларга айлантириш; матнда берилган феълларнинг мос шаклини ёзиш; матнда берилган гаплардаги феъл шакллари замонини аниқлаш;
	Рецептив машқлар	диалогни тингланш ва саволларга жавоб бериш; диалогни тинглаш ва жадвални тўлдириш; матнни ўқиш ва саволларга жавоб бериш; матнни ўқиш ва берилган жадвални тўлдириш;
Коммуникатив компетенцияларни ривожлантирувчи машқлар	Продуктив машқлар	норасмий хат ёзиш (оида аъзоларингизга, дўстингизга, ўқитувчингизга); расмий хат ёзиш (фармацевтика компаниясига) берилган расмлар асосида ҳикоя тузиш ва ролли ўйинлар ташкил этиш;
	Шартли касбий коммуника-тив машқлар	кимё лабораториясидаги жиҳозлар номларини топиш; кимёвий тажриба ҳақида ҳисоботни ўқиш ва саволларга жавоб бериш; маърузани тинглаш ва эслатмалар ёзиш; матндаги маълумотларни жадвал шаклига изоҳлаш; фармацевт-олимлар ҳақида дўстига сўзлаб бериш;
Коммуникатив компетенцияларни такомиллаштирувчи машқлар	Махсус касбий коммуни-катив машқлар	фармацевтика компаниясига расмий хат ёзиш; маҳаллий доривор ўсимликлар учун йўриқнома тузиш; таблетка тайёрлаш жараёни ҳақида гапириб бериш; фармацевтик шартнома ҳужжатини тўлдириш;
	Ижодий машқлар	рецептсиз бериладиган дори турлари бўйича ижтимоий сўровнома ўтказиш ва маълумотларни гуруҳ билан бўлишиш; берилган касалликларни даволаш бўйича мос дори воситаларини танлаш ва қўлланилиши, ножўя таъсирларини тақдим қилиш.

Ушбу машқ ва топшириқларни босқичма-босқич кетма-кетликда фойдаланиш 1- ва 2-босқични қамраб олган 4 йўналишли тизимни қўллашда: 1-босқичда фармацевтлар учун умумкасбий ва умумакадем англиз тили, 2-босқичда махсус касбий ва махсус академ англиз тили босқичлари кетма-кетликда ўқитилиши фармацевт-талабаларнинг умумий ва касбий-соҳавий англиз тилидаги мулоқот компетенцияларини ривожлантиришга ҳизмат қилади.

Фармацевтика йўналишида касбга йўналтирилган инглиз тилини тўрт босқичли тизимда умумкасбий (EGPP), умумакадем (EGAP), махсус касбий (ESPP), махсус академ (ESAP) йўналишларда ўқитишда компетенциявий ва соҳавий ёндашув мезонлари асосида талабаларнинг ўқув-когнитив кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ушбу дидактик таъминот фармацевтика йўналишида «Тиббиётда хорижий тил» фанини кредит-модуль таълим тизими тамойиллари асосида ўқитишнинг назарий-методик асосларини белгилаб беради.

Диссертациянинг «**Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда талабалар касбий коммуникатив лаёқатини ривожлантиришнинг экспериментал тадқиқи**» ёритилган учинчи бобида фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг касбий коммуникатив лаёқатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ўқув-дастурий таъминотни тажриба-синовдан ўтказиш натижалари ва уларнинг статистик таҳлили баён этилган. Тажриба-синов ишлари 2017–2020 йилларда касбий таълим, биотехнология, метрология йўналишлари мавжуд бўлган Тошкент фармацевтика институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия институтининг Нукус филиалида 3 босқичда ўтказилди.

**Асословчи босқичда** (2017-2018 ўқув йили) фармацевтика йўналишидаги ОТМларнинг ўқув-услубий таъминоти, ишчи ўқув дастурлар, дарсликлар таҳлил қилинди, инглиз тили дарслари кузатилди. Сўровномалар ўтказилиб, мавжуд камчиликлар аниқланди.

